Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

CHANGES IN THE MORPHOMETRIC INDICATORS OF THE KIDNEY IN CHRONIC RADIATION DISEASE

Bahronov Jurat Jurakulovich, Teshaeв Shukhrat Jumaevich
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bsmi.uz

Резюме. Тажриба виварий шароитида янги тузилган 125 та оқ эркак зотсиз каламушларда ўтказилди. Унда 3, 6, 9, 12 ойлик каламушлар жалб қилинди. Эксперимент бошида барча жинсий етук каламушлар бир ҳафта давомида карантинда бўлди ва соматик ёки юқумли касалликларни ҳисобга олмагандан сўнг улар одатий виварий режимида ўтказилди. Тажриба давомида меъёрий ва тажриба гуруҳларидаги ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари ва физиологик ҳолати назорати қилиб борилди. Каламушлар 2 гуруҳга бўлинди ($n = 125$): I гуруҳ - назоратдаги ($n = 66$); II - гуруҳ - 2 ойликдан бошлаб 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий дозаси 4,0 Гр) дозасида нурланиш олган каламушлар ($n = 59$). Каламушлар буйрақларини параметрларини нур касаллигига моделлаштирилган каламушлар буйрақ параметрлари билан солиштирилди. Бунда буйрақ улчамлари кичрайиши билан фарк қилди. Бу эса уларнинг функцияларининг пасайиши билан изохланади. Сурункали нур касаллиги моделлаштирилганда буйрақ тузилмаларининг барча параметрларига салбий таъсир кўрсатди. Сурункали нур касаллигида буйрақнинг узунлиги, кенглиги ва қалинлиги камайганлиги аниқланди. Бу буйрақ ҳажмининг пасайиши билан юзага келади.

Калим сўзлар: нефрон, проксимал эгри-бугри каналчалар, дистал эгри-бугри каналчалар, сурункали нур касаллиги.

Abstract: The study used 125 white male rats in a newborn and at the age of 3, 6, 9, 12 months, under normal conditions of the vivarium. At the beginning of the experiment, all sexually mature rats were in quarantine for a week, and after excluding somatic or infectious diseases, they were transferred to the usual vivarium regimen. Animals were divided into 2 groups ($n = 125$): group I - control ($n = 66$); II - group — rats that received irradiation for 20 days from 2 months of age at a dose of 0.2 Gr (the total dose was 4.0 Gr) ($n = 59$). When comparing the parameters of the kidneys of rats with the parameters of the kidneys of the rats simulated by radiation sickness, they differed in size. It was characterized by a decrease in the size of the kidneys. This is due to a decrease in their functions. Chronic radiation sickness negatively affected all parameters of the renal structures. It has been established that in chronic radiation sickness, the length, width and thickness of the kidney decrease. This is followed by a decrease in the volume of the kidney.

Key words: nephron, proximal tubule, distal tubule, chronic radiation sickness.

Долзарблиги. Буйрақ инсон ҳаёти давомида турли хил зарар етказувчи экзоген омиллар таъсирида организмнинг мослашувига иштирок этадиган кучли функционал зарбдор орган ҳисобланади. [2].

Айни пайтда дунёда сийдик ажратиш тизим фаолияти бузилиши билан кечадиган касалланишлар кўпаймоқда. Турли мамлакатларданги кўплаб тадқиқотчилар касаллик сонининг кўпайишининг асосий сабаби атроф-муҳитнинг

ифлосланиши деб ҳисоблайдилар, бу эса инсон танасининг ҳимоя функциялари ва адаптив захираларининг бузилишига олиб келади. [1,4].

Буйрак атроф-муҳит омилларининг экзоген таъсирига жуда заиф орган ҳисобланади. Ушбу органда физик, кимёвий ва биологик табиатдаги турли моддалар таъсири натижасида морфологик ўзгаришлари, шунингдек стресс ва оғир патологик шароитлар, гипергравитация ва ионлаштирувчи нурланиши кенг ўрганилган [3,5].

Нурланиш муаммоси нафақат радиобиологик, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган енг мураккаб жараён ҳисобланади. Сийдик ажратиш тизими турли хил таъсирларга биринчи бўлиб жавоб беради. Шунинг учун турли хил ташқи таъсирларга буйрақлар реакцияси бўйича доимий равишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу эса радиация таъсирига ҳам жуда тегишли. Бугунги кунга келиб улар камроқ ўтказилмоқда, аммо улар ҳозирги кунгача долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мақсади: Каламушларда ўтказилган экспериментда каламушлар буйраги нефрони қисмларининг морфометрик ўзгаришларининг хусусиятлари ва сурункали нур таъсиридаги ўзгаришлари солиштириш ва таҳлил қилиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Сурункали нурланиш касаллигини моделлаштириш ва симуляция қилиш учун каламушлар 2 ойликдан бошлаб 20 кун давомида 0,2 Гр (умумий дозаси 4,0 Гр) дозасида, қуввати 25,006 Гр/мин (Эстония) бўлган ДТГТ "АГАТ Р1" аппарати билан нурлантириши амалга оширилди.


Назорат гуруҳининг каламушларига интрагастрал равишда 0,5 мл ҳажмдаги дистилланган сув метал ошқазон зонди орқали 20 кун давомида киритилиб турилди.

Жами бўлиб экспериментларда 125 та каламушдан фойдаланилган бўлиб, улардан фақат 3 таси тажрибалар давомида нобут бўлди (1-жадвал).


Жадвал 1. Тажриба мазмунига боғлиқ ҳолда ҳайвонларнинг гуруҳларга тақсимланиши

Ҳайвонлар гуруҳи	Экспериментнинг моҳияти	Умумий ҳайвонлар ёши					Умумий ҳайвонлар сони
		янги туилган	3 ойлик каламушлар	6 ойлик каламушлар	9 ойлик каламушлар	12 ойлик каламушлар	
I	Назоратдаги	13	17	17	16	16	66
II	Каламушлар 20 кун давомида 0,2 Гр дозада (умумий дозаси 4,0 Гр) нур қабул қилди	-	16	14 (2)	15	15(1)	59
Жами		13	33	31 (2)	31	31(1)	125 (8)


Изоҳ: Қавслар ичида эксперимент пайтида ўлган каламушларнинг сони берилган.



Расм 1. Ёш жиҳатидан нормал ва радиация касаллиги фонида биостимулятор таъсирида 3 ойлик каламушларнинг тана вазнининг ўзгариши динамикаси (% да 1-гуруҳга нисбатан).




Расм 2. Ёш жиҳатидан каламушларнинг буйраklarининг абсолют оғирлиги, узунлиги, кенглиги, калинлиги ва ҳажмининг меъёрда ва радиация касаллиги фонида ўзгариш динамикаси (% да 1-гурухга нисбатан).



Расм 3. Ёш жиҳатидан нормада ва радиация касаллиги фонида каламушларнинг буйрак таначалари, томирлар коптокчаси ва буйрак капсуласи бўшлиғи майдони ўзгаришларининг динамикаси (% да 1-гурухга нисбатан).

Эксперимент жараёнида каламушларнинг тана вазнининг динамикаси, уларнинг умумий ҳолати ва хулқ-атвори бўйича кузатувлар ўтказилди. Ҳайвонларнинг умумий аҳволи ва хулқ-атворида ҳеч қандай оғиш бўлмаганлиги кўринди. Шундан сўнг тажриба ҳайвонлари эрталаб тегишли вақтда тарозига тортилди, оч

қоринга эфир ёрдамида беҳушлик остида бошини кесиш орқали сўйилди ва тажрибага олинди. Ҳайвонлар ўлдириш лаборатория ҳайвонларидан фойдаланган ҳолда тиббий-биологик тадқиқотлари бўйича халқаро тавсияларга мувофиқ амалга оширилди.



Расм 4. Ёш жиҳатидан нормал ва сурункали радиация касаллиги фонида каламушларнинг буйраги проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалари ва уларнинг бўшлиқлари диаметрининг ўзгариши динамикаси. (% да 1-гурухга нисбатан).

Тадқиқот усуллари органометрик, гистологик, гистоморфометрик, микроскопик ва статистик усулларни ўз ичига олган.

Тадқиқот натижалари. Бизнинг тадқиқотимиз сурункали нурланиш таъсирига учраган турли ёшдаги оқ каламушларнинг буйраклари морфологиясини ўрганишга бағишланган.

Сурункали нурланиш таъсирига учраган экспериментал ҳайвонларнинг буйраклари ҳажми ва оғирлигининг пасайиши билан бирга келди, энг яхши маълумот берувчи кўрсаткичлар эса буйрак таначаларининг умумий майдони, қон томир коптокчасининг майдони, проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалар ва уларнинг бўшлиқлари диаметри бўлди. Ўзгаришларнинг яққоллиги ва уларнинг қайта тикланиш даражаси тажриба ҳайвонларининг ёшига боғлиқ бўлди.

Сурункали нурланган эксперимент ҳайвонларининг тана вазни 1-гурух тажриба ҳайвонлари кўрсаткичларидан 9,46% га кам (1-расм).

Эксперимент гуруҳининг нурланган каламушлари нур таъсир қилиш тугагандан сўнг, буйракнинг мутлоқ вазни, узунлиги, кенлиги, қалинлиги ва ҳажми тажрибанинг 1-гурухига қараганда 8,33%, 8,10%, 7,68%, 6,30% ва 21,11% га кичик бўлди (2-расм).

Ўтказилган гистоморфометрик тадқиқот визуал равишда аниқланган қонунятларни тасдиқлади: нурланган каламушлар гуруҳида таъсирланиш тугагандан сўнг буйрак

таначаларининг умумий майдони, қон томир коптокчаси ва капсула бўшлиғи майдони тажрибанинг 1-гурухига нисбатан 12,81%, 8,15% ва 18,37%, га камроқ бўлди (3-расм).

Радиация таъсири тугагандан сўнг нурланган гуруҳидаги каламушлар буйраклари проксимал эгри-бугри каналчалар ва уларнинг бўшлиқлари диаметри тажрибанинг 1-гурухига нисбатан 9,53% ва 17,66% га кичикроқ эди.

Дистал эгри-бугри каналчаларнинг гистоморфометрик текширувида кўйидаги маълумотлар аниқланди, радиация таъсири тугагандан сўнг нурланган гуруҳидаги каламушлар буйраклари дистал эгри-бугри каналчалар ва уларнинг бўшлиқлари диаметри тажрибанинг 1-гурухига нисбатан 3,48% ва 4,94% га кичикроқ эди (4-расм).

Хулоса:

1. Сурункали нур касаллиги моделлаштирилганда буйрак тузилмаларининг барча параметрларига салбий таъсир кўрсатди.

2. Сурункали нур касаллигида буйракнинг узунлиги, кенлиги ва қалинлиги камайганлиги аниқланди. Бу буйрак ҳажмининг пасайиши билан юзага келади.

3. Радиация таъсирида буйрақлар абсолют оғирлиги, ҳажми, буйрак коптокчаси капсула бўшлиғи майдони, буйрак таначалари майдони, проксимал ва дистал эгри-бугри каналчалар ва уларнинг бўшлиқлари диаметрининг кўрсаткичкарини пасайиши кузатилди.

4. Ўзгаришларнинг яққоллиги эксперимент хайвонларнинг ёшига боғлиқ бўлди.

Адабиётлар:

1. Конопля Е.Ф., Федосенко О.Л. Отдаленные эффекты внешнего облучения репродуктивной системы половозрелых крыс-самцов // Проблемы здоровья и экологии. - 2008. - № 18. - С. 117-119.
2. Кутьков В.А., Поленов Б.В., Черкашин В.А. Радиационная безопасность и радиационный контроль. Учебное пособие. Том 1. Обнинск : НОУ "ЦИПК", 2008. - 244 с.
3. Тешаев Ш.Ж., Хасанова Д.А. Сравнительная характеристика морфологических параметров лимфоидных структур тонкой кишки крыс до и после воздействия антисептика-стимулятора Дорогова фракции 2 на фоне хронической лучевой болезни // Оперативная хирургия и клиническая анатомия (Пироговский научный журнал) 2019, Том 3, №2, С.19-24.
4. Ю.Данзы-Белек. Последствия радиационного воздействия и некоторые методы борьбы с ними. 2006, Экология человека. г. МГУ, №2 С.126-127.
5. Khasanova D.A., Teshaeв Sh.J. Topographic-anatomical features of lymphoid structures of the small intestine of rats in norm and against the background of chronic radiation diseases- European science review № 9-10 2018, P. 197-198.

ИЗМЕНЕНИЯ МОРФОМЕТРИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ПОЧКИ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ ЛУЧЕВОЙ БОЛЕЗНИ

Бахронов Ж.Ж., Тешаев Ш.Ж.

Резюме. В исследовании использовано 125 белых крыс самцов в новорожденном и в возрасте 3, 6, 9, 12 месяцев, находящихся в обычных условиях вивария. В начале эксперимента все половозрелые крысы в течение недели находились на карантине, а после исключения соматических или инфекционных заболеваний переводились на обычный режим вивария. Животные были разделены на 2 групп (n=125): I-группа – контрольная (n=66); II – группа – крысы, получавшие облучение на протяжении 20 дней с 2-х месячного возраста в дозе 0,2 Гр (суммарная доза составила 4,0 Гр) (n=59). При сравнении параметры почек крыс с параметрами почек крыс моделируемых лучевой болезнью, они различались по размеру. Он отличался уменьшением размеров почек. Это объясняется снижением их функций. Хроническая лучевая болезнь отрицательно повлияла на все показатели почечных структур. Установлено, что при хронической лучевой болезни уменьшается длина, ширина и толщина почки. Это преследует с уменьшением объема почки.

Ключевые слова: нефрон, проксимальные извитые канальцы, дистальные извитые канальцы, хроническая лучевая болезнь.

STATE OF APUD- SYSTEM OF LUNG IN CONDITIONS OF ORGAN DEVELOPMENT AND PATHOLOGY



Blinova Sophia Anatolyevna, Oripov Firdavs Suryatovich, Hamidova Farida Muinovna, Rakhmonova Khabiba Nurullayevna
Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

АЪЗОНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ПАТОЛОГИК ШАРОИТЛАРИДА ЎПКА АПУД-ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ

Блинова Софья Анатольевна, Орипов Фирдавс Суръатович, Хамидова Фариди Муминовна, Рахмонова Хабиба Нуруллаевна
Самарқанд давлат тиббиёт институт, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

СОСТОЯНИЕ АПУД-СИСТЕМЫ ЛЕГКИХ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ОРГАНА И ПАТОЛОГИИ

Блинова Софья Анатольевна, Орипов Фирдавс Суръатович, Хамидова Фариди Муминовна, Рахмонова Хабиба Нуруллаевна
Самарқандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарқанд

e-mail: info@sammi.uz

Резюме. Тадқиқотнинг мақсади эмбрионал тараққиётнинг турли босқичларида ҳамда яллиғланиш ва ўсма ўсиш ҳолатларида одам ўпкасининг АПУД-тизими тузилишининг хусусиятларини аниқлашдан иборат. Гистологик усуллар ёрдамида инсон ҳомиласи ва янги туғилган чақалоқларнинг, шунингдек, нафас олиш тизими аъзолари касалликларидан вафот этган болалар ҳамда онкологик беморларнинг ўпкалари ўрганилди. Ўпка бўлақлари Буэн суюқлигида фиксация қилинди ва парафинга қуйилди. Умумий гистологик усуллар: Ван-Гизон ва Вейгерт усули бўйича гематоксилин ва эозин билан бўйиш қўлланилди. Аргирофил нейроэндокрин тузилмалар Гримелиус усули бўйича қумуш нитрат билан импрегнация қилинди. Ўпка гистогенезининг найсимон ва альвеоляр босқичларида яқка нейроэндокрин ҳужайралар (апудоцитлар), кейинчалик нейроэпителиал таначалар аниқланди. Бола туғилгандан сўнг барча нейроэндокрин тузилмалар сони камаяди. Деадаптив ремоделлашишга келтирувчи ўпканинги яллиғланиш жараёни ва айниқса ўсма ўсиш ҳолатларида, асосан ёпиқ турдаги апудоцитларнинг пролиферацияси ва нейроэпителиал таначаларнинг шаклланиши кузатилади.

Калит сўзлар: ўпка, апудоцитлар, нейроэпителиал таначалар, онтогенез, деадаптив ремоделлашиш.

Abstract: The aim of the study was to determine the features of the structural organization of the APUD-system of human lungs at different stages of embryonic development, as well as during inflammatory and tumor processes in them. The lungs of human fetuses and newborns, as well as children who died from respiratory diseases and in cancer patients were studied by histological methods. Fragments of the lungs are fixed in Bouin's fluid and embedded in paraffin. General histological methods were used: hematoxylin and eosin, according to the method of Van Gieson and Weigert. Argyrophilic neuroendocrine structures are impregnated with silver nitrate according to the Grimelius method. Already at the tubular and alveolar stages of lung histogenesis, single neuroendocrine cells (apudocytes), later neuroepithelial bodies, are determined. After birth, the number of all neuroendocrine structures decreases. With inflammation and especially tumor growth in the lungs, leading to maladaptive remodeling, the proliferation of apudocytes of a predominantly closed type occurs, and neuroepithelial bodies are also formed.

Key words: lungs, apudocytes, neuroepithelial bodies, ontogenesis, maladaptive remodeling.

Relevance. In the context of the widespread spread of lung diseases, the study of their morpho-functional properties under various conditions, both in norm and in pathology, is becoming increasingly important. Understanding the cellular and molecular mechanisms that control the morphogenesis of this organ provides a basis for understanding the pathogenesis of acute and chronic lung diseases. At present, there has been a revived interest in the study of

fundamental issues related to the diversity of lung cells, and recent advances in the field of cellular and molecular pathways involved in lung organogenesis are being analyzed [8]. Due to this, the basic concepts of the cellular and molecular mechanisms that control the development of the lungs begin to form [5]. An important role in these mechanisms is played by biogenic amines and peptide hormones produced by neuroendocrine cells. Cells of the diffuse endocrine sys-

tem - apudocytes (APUD - Amine Precursore Uptake and Decarboxylation) absorb precursors of biogenic amines introduced from outside, subject them to decarboxylation to form biogenic amines and peptide hormones. The APUD-system of the lungs also includes innervated clusters of endocrinocytes – neuroepithelial bodies (NEB). In the respiratory system, apudocytes appear at various stages of embryogenesis, and the biologically active substances produced by them are directly involved in the development of the lungs. The cells of the endocrine apparatus are often implicated in the development of inflammatory and oncological diseases of the lungs, leading to maladaptive remodeling of the organ [2]. These cells can also regenerate secretory and ciliated cells after damage, although this ability may be limited [4]. The secretion of the hormone by apudocytes can change the hormonal status of patients with respiratory diseases [1].

Aim of the study: to reveal the features of the structural organization of the APUD-system of human lungs at different stages of embryonic development, as well as in inflammatory and tumor processes in them.

Material and research methods. We have studied histological preparations of lungs in 22 human fetuses at 9-36 weeks of embryogenesis and 5 full-term newborns. In addition, a comparative study of histological preparations of 19 children who died from respiratory diseases at the age of 7 months to 2 years (acute bronchitis, polysegmental bronchopneumonia, septic pneumonia) was carried out. In addition, the morphological and functional state of the components of the APUD-system of the lungs was studied in 15 cancer patients (surgical and sectional material). At the same time, histological preparations of areas of the lung not affected by the tumor were examined. The fixation was carried out in Bouin's fluid. Paraffin sections were stained by general histological methods: hematoxylin and eosin, according to the method of Van Gieson and Weigert. To identify argyrophilic endocrine cells, the sections were impregnated with silver nitrate according to the Grimelius method.

Research results and discussion. The study of histological preparations showed that within 9-13 weeks of development, the lungs of human fetuses are at the glandular stage of histogenesis. During this period, branching of the bronchial tubes is observed, the airways develop. At 11-13 weeks of embryogenesis, intralobular bronchi are detected, which pass into epithelial tubes, blindly ending in the mesenchyme. In the lobar and segmental bronchi, cartilaginous plates are determined. The mucous membrane of these bronchi is lined with multi-row non-ciliated prismatic epithelium, in the intralobular bronchi the epithelium is single-row prismatic. Neuroendocrine cells in the lungs of fetuses at an early stage of devel-

opment (9-10 weeks) are not yet detected. At the 11th week of embryogenesis, argyrophilic apudocytes are detected in the epithelium of large bronchi. Open apudocytes are more common, since their apical process reaches the lumen. In small bronchi, closed apudocytes are mainly determined, the apical part of which does not reach the lumen of the bronchus. In addition to single apudocytes, NEB is rarely detected.

In the tubular and alveolar stages of histogenesis, the number of neuroendocrine structures in the lungs increases. At the same time, there are more of them in the distal parts of the bronchial tree than in the proximal ones. The components of the neuroendocrine apparatus of the lungs appear some time after the formation of bronchial tubes, i.e. the most distal branches of the bronchial tree do not yet contain apudocytes and NEB. The cells of the open type are determined more often in the more formed proximal parts of the bronchial tree, while the closed type – in the distal ones (Fig. 1).



Fig. 1. Lung of the fetus 11 weeks of development. Open apudocytes in the epithelium of the bronchi. Grimelius impregnation. x400.

In inflammatory diseases of the lungs in children, a large number of both apudocytes and NEBs are found. There are much more of them than in the lungs of children who died from diseases not related to the respiratory system. In the lungs of children with pneumonia, apudocytes of the closed type predominate in quantitative terms. Often, NEBs are deeply immersed in the epithelium, i.e., they also consist of closed cells.

The largest number of apudocytes was found in lung cancer in organ tissue perifocal in relation to the tumor. The cells are usually round or oval in shape. They sometimes occupy a significant part of the bronchus. Usually apudocytes are located in the basal part of the epithelial lining of the bronchus and do not reach the lumen of the airways. In some cases, along with single apudocytes, isolated groups of argyrophilic cells resembling NEB are revealed (Fig. 2). In the lungs of cancer patients with extrapulmonary localization of the tumor, apudocytes are very rare. NEB in these cases cannot be detected.

Our comparative study of the cellular composition of the endocrine apparatus of the lungs during its morphogenesis and maladaptive remodeling made it possible to reveal some general patterns. We have found that open apudocytes during the development of the lungs appear in large bronchi, i.e., in earlier generations of branching of the airways.




Fig.2. Hyperplasia of apudocytes and the presence of NEB in lung cancer in adults. Grimelius impregnation. x400.

Closed apudocytes are more characteristic of newly formed bronchial tubes. During the development of the lungs, NEBs appear later than apudocytes and there are also more of them in the developing small bronchi and respiratory section. In newborns, there is a significant decrease in the number of both apudocytes and NEB. In lung diseases leading to maladaptive remodeling of organ structures, an increase in the number of neuroendocrine structures is observed [3,7]. With pneumonia in children, there is an increase in the number of apudocytes and NEB. Closed cells predominate among apudocytes. Also, NEBs appear, which are normally not detected after birth. Severe hyperplasia of apudocytes occurs during a tumor process in the lung and the restructuring caused by it. In this case, proliferation of mainly closed cells is observed, as well as the formation of NEB. Apparently, the proliferative processes occurring in the lungs in inflammatory and oncological diseases lead to maladaptive remodeling of lung structures and changes in the morphofunctional properties of its neuroendocrine apparatus.

Conclusions:

1. Neuroendocrine cells (apudocytes) of the lungs are determined at the tubular and alveolar stages of organ histogenesis. Closed apudocytes and neuroepithelial bodies predetermine branching of the bronchial tree. After birth, their number decreases.

2. In case of maladaptive remodeling of the lungs caused by inflammation and especially by the tumor process, proliferation of apudocytes of predominantly closed type occurs, and neuroepithelial bodies are also formed.

Literature:

1. Баласанянц Г.С., Геймер М.С., Шпанская Л.С. Показатели эндокринного статуса у больных остро прогрессирующим туберкулезом легких // Проблемы туберкулеза. 2000. -№6.- С. 41-44.
2. Блинова С.А., Хамидова Ф.М., Исмаилов Ж.М. Состояние иммунных и регуляторных структур слизистой оболочки бронхов при патологии легких у детей // Тиббиётда янги кун. 2020.- 2/1-(29/1).-С.104-105.
3. Хамидова Ф.М., Блинова С.А., Исмаилов Ж.М. Динамика изменений иммунных и эндокринных структур легких при экспериментальной пневмонии //Журнал биомедицины и практики. 2020.- № I-2.- С. 717-721.
4. Herriges M., Morrisey E.E. Lung development: orchestrating the generation and regeneration of a complex organ // Development. 2014.-141(3).- P.502-13.
5. Morrisey E.E., Hogan B.L.M. Preparing for the First Breath: Genetic and Cellular Mechanisms in Lung Development // Dev Cell. 2010.-18(1).- P.8–23.
6. Rizvi S.M., Goodwill J., Lim E. et al. The frequency of neuroendocrine cell hyperplasia in patients with pulmonary neuroendocrine tumours and non-neuroendocrine cell carcinomas// Histopathology. 2009.-55(3).-P.332-7.
7. Rydzewska-Rosolowska A.E., Kasacka I., Sulewska A. et al. Pulmonary neuroendocrine cells in physiology and pathology // Folia Histochem Cytobiol. 2001.-39.- Suppl 2.-P.58-63.
8. Whitsett J.A., Kalin T.V., Xu.Y., Kalinichenko V.V. Building and Regenerating the Lung Cell by Cell //Physiol Rev. 2019.-99(1).- P.513–554.

СОСТОЯНИЕ АПУД-СИСТЕМЫ ЛЕГКИХ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ОРГАНА И ПАТОЛОГИИ

Блинова С.А., Орипов Ф.С., Хамидова Ф.М., Рахмонова Х.Н.

Резюме. Целью исследования явилось определение особенностей структурной организации АПУД-системы легких человека на разных стадиях эмбрионального развития, а также при воспалительных и опухолевых процессах в них. Гистологическими методами изучены легкие у плодов человека и новорожденных, а также детей, умерших от заболеваний органов дыхания и у онкологических больных. Фрагменты легких фиксированы в жидкости Буэна и залиты в парафин. Применены общегистологические методы: окраска гематоксилином и эозином, по методу Ван-Гизона и Вейгерта. Аргирофильные нейроэндокринные структуры импрегнированы азотнокислым серебром по методу Гримелиуса. При воспалении и особенно опухолевом росте в легких, приводящих к дезадаптивному ремоделированию, происходит пролиферация апудоцитов преимущественно закрытого типа, формируются также и нейроэпителиальные тельца.

Ключевые слова: легкие, апудоциты, нейроэпителиальные тельца, онтогенез, дезадаптивное ремоделирование.

КАЛАМУШЛАР ТЎҒРИ ИЧАГИНИНГ ЛИМФОИД ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТАРҚАЛИШИ



Ильясов Азиз Саидмурадович, Гиязова Малика Мухаммадовна
Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Бухоро ш.

СТРОЕНИЕ И РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ЛИМФОИДНЫХ ОБРАЗОВАНИЙ ПРЯМОЙ КИШКИ КРЫСЫ

Ильясов Азиз Саидмурадович, Гиязова Малика Мухаммадовна
Бухарский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Бухара

AGE FEATURES OF THE STRUCTURE AND DISTRIBUTION OF LYMPHOID FORMATIONS IN THE RECTUM WALL OF RATS

Ilyasov Aziz Saidmuradovich, Giyazova Malika Mukhammadovna
Bukhara State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Bukhara

e-mail: info@bsmi.uz

Резюме. Каламуш тўғри ичагининг лимфоид шаклланишининг тузилиши ва тарқалишини ўрганиб, ривожланишининг дастлабки босқичларида анал канал ва ректумнинг барча қисмларида диффуз жойлашган лимфоцитлар шиллиқ ости қаватидаги микромирлар ёнида 1-2 қаторли занжир шаклида пайдо бўлади. Кейинчалик ривожланиш жараёнида улар бирлашиб, атрофдаги тўқималардан аниқ чегара билан лимфоид тугунларини ҳосил қилади. Ривожланишининг 3-ойлигидан сфинктер соҳасида лимфоид тугунлар пайдо бўлади. 6 ойликдан бошлаб улар ўтиш соҳасида ҳам аниқланади. Каламушнинг анал каналида лимфоид шаклланиш шакли уларнинг каналдаги жойлашувига ва ёшига боғлиқ. Ривожланиш жараёнида лимфоид шаклланишининг зичлиги ошиши билан уларнинг таркиби ва улардаги ҳужайраларнинг дистал анал каналига томон миқдорий таркиби ҳам ошади.

Калит сўзлар: тўғри ичак, анал канали, лимфоцитлар, лимфоид тузилмалар, каламушлар.

Abstract: By studying the structure and distribution of lymphoid formations of the rectum of rats, in the early stages of development, in all parts of the anal canal and rectum, diffusely located lymphocytes appear in the form of 1-2 row chains next to microvessels in the submucosa. In the process of further development, they, grouping together, form lymphoid nodules with a clear border from the surrounding tissue. From 3 months of development, lymphoid nodules appear in the pre-sphincter region. From 6 months of age, they are also detected in the transition zone. In the anal canal, the shape of the lymphoid formations depends on their location in the canal and age. In the process of development, with an increase in the density of the location of lymphoid formations, their content increases, and the quantitative composition of cells in them towards the distal anal canal.

Key words: rectum, anal canal, lymphocytes, lymphoid formations, rats.

Организмнинг иммун ҳимояси овқат ҳазм қилиш трактининг шиллиқ қаватида унинг дистал қисмига қараб лимфоид шаклланишининг кўпайиши катта ахамиятга эга [1,2,3]. Ҳосил бўлган лимфоид тугунлар тўплами тўғридан-тўғри каудал илеумда учрайди, кўпинча илеоцекал қопқок лабларида бир-бирига қўшилиб кетади [4,5]. Яқка лимфоид тугунларнинг зичлиги кўричакда максимал, кўтарилиувчи йўғон ичак ва тўғри ичакда минимал [6]. Аммо адабиётларда туғрукдан кейинги ривожланишининг турли босқичларида каламушлар тўғри ичагининг сфинктерлари соҳасида

лимфоид тузилмаларнинг микроскопик тузилиши етарли даражада ёритилмаган.

Тадқиқот объектлари ва усуллари:

Тадқиқот учун керакли материаллар: 6, 11, 16 ва 22 кунлик, 3 ойлик, 6 ойлик, 12 ойлик ва 24 ойлик янги туғилган каламушларда анус билан бирга олинган 75 та анал канал препаратлари, каламушларнинг ёши. Ҳайвонларни эфир наркози остида сўйишди, чанок бўшлиғини очгандан сўнг, анус билан тўғри ичак олиб ташланди. Қалинлиги 8-12 мм бўлган аъзолар гематоксилин-эозин ва ван гизон усуллари билан бўялди. Лимфоид ту-

зилмалар сони ва уларнинг хужайравий таркиби анал каналлари қисмлари бўйлаб ҳисобланган. Лимфоид хужайраларнинг миқдорий таҳлили учун микроскопнинг окулярига 36 тугунли нуктаси бўлган панжара киритилган. Ёшга қараб лимфоид тўпламларнинг шакли ва жойлашиши аниқланган.

Натижалар ва уни муҳокама қилиш.

Сфинктеролди соҳасида янги туғилган чақалоқ каламушларда лимфоид тузилмаларнинг, лимфоцитлар занжири ва лимфа тугунлари шаклида бўлади. Шиллик қаватда кам учрайдиган 1-2 қаторли кичик лимфоцитлар занжири аниқланди. Ушбу занжирларнинг ҳар бир қаторида 4-5 тагача лимфотцитлар учрайди.

Шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами мавжуд, улар юмалоқ ва овал шаклга эга, атрофдаги тўқималардан аниқ ажратилмаган.

Янги туғилган чақалоқ каламушларнинг сфинктеролди соҳасида лимфоид тузилмалари куйидагича ифодаланади: диффуз жойлашган лимфоцитлар, 1-3 қатор хужайралардаги лимфоцитлар занжири, атрофидаги тўқималардан аниқ чегараси бўлган юмалоқ ёки овал шаклдаги лимфоцитлар лимфа тугунлари билан ифодаланади. Аксарият ҳолларда лимфоцитлар тўпланиши криптиларга яқин жойлашган. 11 кундан бошлаб, лимфоид тугунлар орасидаги масофа камаяди ва уларга кўпроқ, хужайралар шаклланади. Шиллик пардада ривожланишнинг 11-кунида хужайралар миқдори лимфоцит занжирларининг ҳар бир қаторида 6-7 гача кўтарилади. Шиллиқости қаватида лимфоцитлар тўплами орасидаги масофа 4,8% га камаяди.

Сфинктеролди соҳасида лимфоцитлар тўплами лимфоцитлар орасидаги масофа 13,4% га ошди. Лимфоид тугунларда лимфоцитларнинг жойлашиш зичлиги ҳам ошди. Ривожланишнинг 22-кунида шиллик қаватнинг майда лимфоцитлар занжири аниқланди, улардаги хужайра қаторлар сони 3га етди. Сфинктеролди соҳаси шиллиқости қаватида лимфоцитлар тўпланиши орасидаги масофада ўзгаришлар топилмади.

Каламушларнинг 3 ойлигида тўғри ичакнинг шиллик қаватида кичик лимфоцитларнинг 1-3 қаторли занжирлари аниқланди. Ушбу занжирларнинг ҳар бир қаторида 5-7 тагача лимфоцитлар мавжуд. Шиллиқости қаватида лимфоцитлар тўплами бўлиб, улар юмалоқ ва овал шаклга эга, аммо атрофдаги тўқималардан аниқ ажратилмаган. Зойликкача бўлган каламушларнинг шиллиқости қаватидаги лимфоцитлар тўпланиши орасидаги масофа ўртача $54,4 \pm 3,1$ ммни ташкил қилади. Каламушларнинг 12 ойлигида сфинктеролди соҳасида хужайралар миқдори шиллик қавати лимфоцит занжирларининг ҳар бир қаторида 6-9 гача кўтарилади. Шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами орасидаги

масофа 13,0% га ошади. 3 ойликдан бошлаб сфинктеролди соҳасида юмалоқ, овал ва учбурчак шаклидаги лимфоид тугунлар аниқланди, лекин уларнинг атрофдаги тўқималардан аниқ чегараси йўқ.

Каламушларнинг 12 ойлигида лимфоид тугунларда атрофдаги тўқималардан аниқ чегаралар ҳосил бўлади. 24 ойлигида лимфоид тугунлар юмалоқ овал ва учбурчак шаклга эга бўлиб, улар атрофдаги тўқималардан аниқ ажратилган. Сфинктеролди соҳасида анал каналининг капиллярлари атрофида 1-2 та майда лимфоцитлар жойлашган бўлиб, артериолалар ва венулалар атрофида лимфоцитлар занжирининг 1-3 қаторли лимфоцитлар ётади, капиллярлар атрофида лимфоцитлар, венулалар ва артериолалар атрофига қараганда зичроқ жойлашган.

Янги туғилган каламушларда кичик лимфоцитларнинг 1-2 қаторли қисқа занжирлари ўтиш соҳасининг шиллик қаватида ётади. Ҳар бир қаторда 35 тагача кичик лимфоцитлар аниқланди. Ушбу лимфоцитлар занжири сфинктеролди соҳасига қараганда бир-биридан кичикроқ масофада ётади. Шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами орасидаги масофа $65,9 \pm 4,8$ мкм. Шиллиқости қаватда ривожланишнинг 6-кунигача лимфоцитлар тўпланиши орасидаги масофа 11,0% га камайд.

22 кунлик каламушларнинг ичакнинг шиллик қаватида майда лимфоцитлар занжирлари узунлиги ошади. Уларда хужайра қаторлар сони кўпаяди. Ҳар бир қаторда 7-8 тагача майда лимфоцитлар аниқланди. Шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами орасидаги масофа 5,0% га камайд. Ичакнинг шиллик қавати, мушак пластинкалари ости ва устида 1 та лимфоцитлар ва лимфоцитлар тўплами аниқланиб, улар овал ва юмалоқ, шаклга эга. Анал устунлар остида анал каналининг шиллик қаватига параллел равишда тақсимланган, овал чўзилган лимфоцитлар ва лимфоцитларнинг 1-2 қаторли занжирлари тўпланган. Ўтиш соҳасида артериолалар ва венулалар атрофида 1-2 қаторли лимфоцит занжири аниқланди, аммо капиллярлар атрофида улар венулалар ва артериолалар атрофига қараганда зичроқ, жойлашган.

Каламушларнинг 3 ойлигида ўтиш соҳасининг шиллик қаватида 1-3 қаторли кичик лимфоцитлар занжири ётади, ҳар бир қаторда 4-6 тагача кичик лимфоцитлар аниқланди. Ушбу лимфоцитлар занжирлари сфинктеролди соҳасига қараганда бир-биридан анча яқин масофада ётади. 6 ойлик даврда шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами орасидаги масофа 8,0% га ошди. 12 ойликда эса шиллиқости қаватда лимфоцитлар тўплами орасидаги масофа 10,0% га ошди. Лимфоид тугунлардаги лимфоцитларнинг таркиби ўртача $17,7 \pm 1,1$ га тенг. 24 ойликда шиллик қаватда майда

лимфоцитлар занжирлар узунлиги ошади. Уларда хужайра қаторлар сони ошади. Ҳар бир қаторда 78 тагача майда лимфоцитлар аниқланди.

Ўтиш соҳасида шиллик қаватнинг мушак пластинкалари остида ва устида жойлашган лимфоцитларнинг якка ва тарқоқ тўплами аниқланди, улар овал ва юмалоқ шаклга эга. Каналнинг анал устунлари остида овал чўзилган лимфоцитлар тўплами ва лимфотцитларнинг 1-2қаторли занжирлар аниқланди, улар анал каналнинг устунига параллел жойлашган. Шиллиқости қаватнинг лимфоид тўпламида 1-3қаторли лимфоцитлар занжир шаклида ётади, улар шиллик қаватнинг мушак пластинкасига яқинроқ, жойлашган. Артериолалар ва венулалар лимфоцитларнинг 1-2қаторли занжирлар билан ўралган.

Шиллик қаватнинг анал устунларига туташган жойларда лимфоцитларнинг овал шаклидаги тўплами аниқланди. Улар эпителий қатламга яқин кичик масофада жойлашган. Ўтиш соҳасининг дистал қисмида овал ёки юмалоқ, лимфоцитларнинг лимфоид тугунчалари жойлашган. Улар атрофдаги тўқималардан аниқ чегарага эга эмаслар. Ушбу бўлимда аксарият ҳолларда майда якка лимфоцитлар капиллярлар ва венулалар ёнида ётади.


1-3қаторли занжир шаклидаги лимфоид тўпламлари анал канал узунлиги бўйлаб жойлашган. бойликдан бошлаб органнинг ўтиш соҳасида юмалоқ ва овал шаклидаги лимфоид тугунлар аниқланди, улар атрофдаги тўқималардан аниқ чегараланмаган ва шиллик қаватнинг шиллиқости қаватида ётади. Ушбу соҳада 6 ойлик каламушларда лимфоид тугунлари атрофдаги тўқималардан аниқ чегараланиб туради ва анал каналнинг шиллиқости қаватида ётади. Ўтиш соҳасида капиллярлар 1-3 майда лимфоцитлар билан ўралган. Артериолалар ва венулалар атрофида лимфоцитларнинг 1-2қаторли занжирлари жойлашган, аммо капиллярлар атрофида улар венулалар ва артериолаларга қараганда зичроқ. Ички сфинк-

терда диффуз лимфоцитлар эпителий қатламига туташади. Шиллиқости қават шиллик қаватининг чуқурлашиши билан туташган жойларда занжир шаклида лимфоцитлар жойлашган. Ушбу соҳада 1 қаватли цилиндрсимон эпителийнинг кўп қаватли ясси эпителийга ўтиш жойида якка жойлашган лимфоцитлар аниқланди. Ички сфинктер соҳасидаги янги туғилган каламушларда лимфоид тўпламлар лимфоцитларнинг кичик тўплами билан ифодаланади. Ривожланишнинг 6 кунинда лимфоцитлар тўпламлари орасидаги масофа 13,7% га камаяди. Анал устунлар билан туташган қисмларда сфинктерлараро соҳада 1-3қаторли занжир шаклидаги лимфоцитларнинг тўплами аниқланди (1-расм). Ясси кўп қаватли ўзгарувчан эпителийнинг пастки қисмида венулалар атрофида кичик лимфоцитлар топилди.


Улар эпителий қатламига яқин масофада жойлашган бўлиб, ички сфинктернинг орқа қисмидаги бириктирувчи тўқималарнинг толали тузилмалари тўпламлари орасида ётади. Сфинктерлараро соҳада лимфоид тузилмалар лимфоцитларнинг тўплами билан ифодаланади. Ички сфинктер билан чегарада лимфоцитлар тўплами мавжуд бўлиб, улардаги хужайралар сони 4 дан 10 гача. Ушбу тўпламлар атрофидаги тўқималардан аниқ бўлмаган даражада чегараланган. Лимфоид тўпламлар кўпинча эпителийга яқинроқ ва қон томирлари ёнида жойлашган.

Лимфоцитлар лимфоид тугунлардаги анал каналнинг ташқи сфинктерлари ички ва олд томондан юқорисида овал ёки юмалоқ, занжир шаклида ётади. Анал устунлар туташган жойда сфинктерлараро соҳада лимфоцитларнинг овал шаклидаги тўпламлари топилган. (2-расм).

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, сфинктеролди ва ўтиш соҳасида лимфоид тўпламлар лимфоцитлар занжири ва лимфоид тугунлар шаклида жойлашган.



Расм 1. 22 кунлик каламушларда сфинктерлараро соҳада занжир шаклида лимфоцитларнинг топилиши. 1. Лимфоцитлар тўплами. 2. Шиллик ости қават. 3. 1 қаватли цилиндрсимон эпителий. Ван-Гизон усули билан бўяш Об.40× 7 (ок)



Расм 2. 6 ойлик каламушларда сфинктерлараро соҳасида овал шаклидаги лимфоид тугунча. Гематоксилин ва эозин билан бўйаш. Об. 40 х окуляр 7.

3 ойлик даврдан бошлаб сфинктеролди соҳасигача лимфоид тугунлар ҳосил бўлди. Ўтиш соҳасида улар 6 ойга қадар аниқланди. Ички сфинктерда диффуз лимфоцитлар аниқланди. Сфинктер соҳасида лимфоцитларнинг майда тўпламлари қайд этилган. Каламушлар анал каналининг маҳаллий иммунитет тизимини шакллантиришда босқичларини кузатиш мумкин. Дастлабки босқичларда диффуз лимфоид тўпламлар аниқланган бўлса, ёши катталашган сайин лимфоид тузилмалар лимфоид тугуни кўринишида шаклланади. Сфинктерлараро соҳада эпителий, лимфоид тўпламлари ва бириктирувчи тўқималарнинг толали тузилмалардаги фарқлар аниқланди. Бизнинг фикримизча бунинг сабаби, бу соҳа анал канал ва ташқи муҳит ўртасидаги чегарада жойлашган.

Хулосалар:

1. Каламушлар тўғри ичаги анал каналининг барча қисмларида ривожланишнинг дастлабки босқичларида диффуз жойлашган лимфоцитлар шиллиқости каватидаги микротомирлар ёнида 1-2 қаторли занжир шаклида намоён бўлади. Кейинчалик ривожланиш жараёнида улар бирлашиб, атрофдаги тўқималардан аниқ чегара билан лимфоид тугунларини ҳосил қилади. Ривожланишнинг 3-ойлигидан сфинктеролди соҳада лимфоид тугунлар 6 ойликдан бошлаб улар ўтиш соҳасида ҳам аниқланади.

2. Каламушларнинг анал каналида лимфоид тўпламлар шакли уларнинг каналдаги жойлашувига ва ёшига боглиқ. Ривожланиш жараёнида лимфоид тузилмалар шаклланишининг зичлиги ошиши билан уларнинг таркиби ошади ва улардаги хужайраларнинг дистал анал каналига томон микдорий таркиби ҳам ошади.

Адабиётлар:

1. Сапин М.Р., Плявин Л.А. Лимфоидные образования в стенке пищевода человека в постнатальном онтогенезе // *Арх. анат. гист. и эмбр.* - 1986, Т. 90. - Вып. 6. - С. 21-27.

2. Тен С.А., Шадиев Э.Т. Возрастные особенности распределения лимфоидных образований в илеоцекальной заслонке детей и подростков // *Мед. журнал Узб.* 2001. - № 11-12. - С. 33-35.

3. Ильясов А.С., Хитаев Б. и др. Воздействие тяжёлых металлов на организм человека и животных в техногенных зонах и способы их биологического обеззараживания. Ташкент – 2018. Вестник экологии. №5. 34-36 стр. 4. Крыжановский В.А. Строение лимфоидных образований зоны перехода тонкой кишки в толстую у человека в постнатальном онтогенезе // *Морфология.* 1998. Т. 113. - №3. - С. 64.

5. Крылов А.А. и др. Неотложная гастроэнтерология // *Руководство для врачей.* - СПб., 1997. - 175 с.

6. Мауль Я.Я., Аубакиров А.Б., Макишев А.К. Гистоморфологическая характеристика лимфоидных образований прямой кишки человека // *Морфология.* 2008. Т. 133. - №2. - С. 84-85.

СТРОЕНИЕ И РАСПРЕДЕЛЕНИЕ ЛИМФОИДНЫХ ОБРАЗОВАНИЙ ПРЯМОЙ КИШКИ КРЫСЫ

Ильясов А.С., Гиязова М.М.

Резюме. Изучением строения и распределения лимфоидных образований прямой кишки крыс, в ранние сроки развития, во всех отделах анального канала, прямой кишки появляются диффузно расположенные лимфоциты в виде 1-2 рядных цепочек рядом с микрососудами в подслизистой основе. В процессе дальнейшего развития они, группируясь, формируют лимфоидные узелки с четкой границей от окружающей ткани. С 3 месяца развития лимфоидные узелки появляются в предсфинктерном отделе. С 6 месячного возраста они выявляются и в переходной зоне. В анальном канале форма лимфоидных образований зависит от места расположения их в отделах канала и возраста. В процессе развития с увеличением плотности расположения лимфоидных образований возрастает их содержание, и количественный состав клеток в них по направлению к дистальному отделу анального канала.

Ключевые слова: прямая кишка, анальный канал, лимфоциты, лимфоидные образования, крысы.



Индиаминов Сайит Индиаминович, Давранова Азиза Эркиновна
Самарқанд Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

СУДЕБНО - МЕДИЦИНСКИЕ АСПЕКТЫ ПОВРЕЖДЕНИЙ РОГОВИЦЫ ГЛАЗНОГО ЯБЛОКА

Индиаминов Сайит Индиаминович, Давранова Азиза Эркиновна
Самаркандский государственный медицинский институт, Республика Узбекистан, г. Самарканд

FORENSIC MEDICAL ASPECTS OF EYE CORNEA DAMAGE

Indiaminov Sayit Indiaminovich, Davranova Aziza Erkinovna
Samarkand State Medical Institute, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammi.uz

Резюме. Кўзнинг жуда кичик бўлишига қарамай (инсон танасининг умумий юзасининг атиги 0,15%), унинг жароҳатланиши умумий травмаларнинг 15% дан 29% гача ва барча кўз патологияларининг 40-80% ни ташкил этади. Шунга қўра, кўриш органи жароҳатланишлари бугунги кунда жиддий тиббий-ижтимоий муаммога айланган. Шох парда механик жароҳатларнинг шаклланиши жихатлари ва суд тиббий тамойиллари тўлалигича ўрганилмаган. Тадқиқот мақсади: Шох парданинг тешиб ўтган жароҳатланишлари табиати, тафсилотлари, кечув хусусиятлари ва оқибатларини ўрганиши. Тадқиқот материаллари ва методлари. 54 нафар беморларда шох парда жароҳатланишлари билан боғлиқ тиббий баен маълумотлари ва махсус текширувлар натижалари ҳамда беморлар анамнези ташкил қилади. Айрим ҳолатларда беморлар амбулатория шароитида қўшимча кўрикдан ҳам ўтказилди. Тадқиқот натижаси ва муҳокамаси. Аксарият ҳолларда беморлар кўз тузилмаларида конъюктивда қизариши, қовоқлар блефароспазми, шишиши, йиртилган яралар ҳамда шох пардада яра, суюқликда сузиб юривчи хираликлар, рангдор парданинг қорачиқга ёпишиши, тўр парда қон томирлари торайиши, олд камера саёзлашиши, айрим ҳолларда эса - рангдор парданинг жароҳатга қисилиши ва олдинги капсула ёрилиши қайд этилди. Жароҳатлар оқибатида – рангдор парда узилиши, шишасимон тана чиқиши, гемофтальм, иридоциклит, травматик катаракта, кератоувеит, увеит, кўз элементлари тўкилиши каби жиддий асоратланишлар кузатилди. Хулосалар. Кўрув органи травмаси таркибида кўз олмаси шох пардасини тешиб ўтувчи жароҳатланишлар кенг тарқалган оғир даражаси травмалардан бири бўлиб, бу ҳолат асосан 4-7 ёшли болалар ва 18-44 ёшли инсонлар орасида кўп учрайди. Мазкур турдаги жароҳатланишларда кўз олмаси тузилмаларининг жиддий зарарланиши оқибатида ҳатто ўз вақтида малакали ёрдам кўрсатилганда ҳам, аксарият ҳолатларда кўрув органининг ва кўриш даражасини йўқотилиши ёки кўриш даражасининг кескин пасайиши кузатилади. Шунга қўра, кўз олмаси шох пардасини тешиб ўтувчи жароҳатланишлар суд-тиббий текширувида жароҳат оғирлик даражасини белгилашни асосий мезони умуммехнат қобилиятининг турғун йўқотилиши миқдори ҳисобланади. Шунга қўра, суд-тиббий экспертиза мақсадлари учун бу каби жароҳатланишларда умуммехнат қобилиятининг турғун йўқотилиши миқдори кўрсаткичларига аниқлик киритиши талаб этилади.

Калим сўзлар: кўз олмаси, шох парда, жароҳатланиши, табиати, оқибатлари, баҳоланиши.

Abstract: Despite the very small size of the eye (only about 0.15% of the total surface of the human body), its damage accounts for 15% to 29% of total injuries and 40-80% of all ocular pathology. In this regard, damage to the organ of vision is currently a serious medical and social problem. The peculiarities of the formation of mechanical damage to the cornea and their forensic medical aspects have not been sufficiently studied. Purpose of the study. To study the nature, circumstances of infliction, features of the course and consequences of penetrating damage to the cornea. Material and research methods. Studied and analyzed medical records and results of clinical, additional examinations and anamnesis of patients with corneal injuries in relation to 54 patients who were hospitalized. In some cases, additional examination of patients was carried out on an outpatient basis. Research results and their discussion. In most cases, patients with corneal trauma showed redness of the conjunctiva, cloudy fluid filling, blepharospasm of the eyelids, edema, lacerated corneal wounds, adhesion of the cornea to the pupil, narrowing of the retina, narrowing of the anterior chamber, and in some cases, capsule rupture. Subsequently, injuries in patients were observed the most serious complications, such as rupture of the cornea, prolapse of the vitreous body, hemophthalmus, iridocyclitis, traumatic cataract, keratouveitis, uveitis and loss of

ocular contents. Conclusions. In the structure of ocular pathology, corneal injuries are one of the most frequent severe injuries, which most often occurs in children aged 4-7 years and in people aged 18-44 years. With this type of injury, even with the provision of timely qualified medical care, severe damage to the structures of the eyeball in most cases leads to the loss of an organ, loss of vision or a sharp decrease in visual acuity. In this regard, the main criterion for determining the severity of injury in the forensic medical examination of such injuries is the amount of loss of persistent general working capacity. Consequently, for the purposes of forensic medical examination, it is required to clarify the indicators of the volume of persistent loss of general working capacity in case of penetrating corneal injuries.

Key words: *eyeball, cornea, damage, nature, consequence, assessment.*

Кўзнинг жуда кичик бўлишига қарамай (инсон танасининг умумий юзасининг атиги 0,15%), унинг жароҳатланиши умумий травмаларнинг 15% дан 29% гача ва барча кўз патологияларининг 40-80% ни ташкил этади. Шунга кўра, кўриш органи жароҳатланишлари бугунги кунда жиддий тиббий-ижтимоий муаммога айланган [6; 10; 14].

Россияда кўз травмаси кўриш қобилятини пасайиши сабаблари таркибида биринчи ўринда туради, кўриш қобиляти паст бўлганларнинг энг катта қисми (65,5-70,6%) меҳнатга лаёқатли ёшдаги инсонларга тўғри келади - 20 ёшдан 45 ёшгача [1; 2; 14]. Ўзбекистон Республикасида кўриш қобилятининг бирламчи ногиронлиги ҳолатларининг 30% гача қисми кўзнинг жароҳатланишлари ва уларнинг оғир асоратлари билан боғлиқ [9].

Кўзнинг жароҳатланишига барча ёшдаги инсонлар мойил бўлсада, кичик ёшдаги болаларда ушбу тузилмалар жароҳатланишлари кўпроқ учрайди. Турли ёшдаги болаларда кўзнинг жароҳатланишлар табиатини, таркибини, даражасини ва бошқа жиҳатларини таҳлил қилиб, турли жароҳатлар билан касалхонага ётқизилган болаларнинг 69,3 % тўмтоқ травмалар кузатилишини аниқлади [2].

